

Агар ота-оналардан бири ЕОИХ давлати фуқароси бўлса ва меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўлса, бу асосда болани қайддан ўтказишни шартноманинг амал қилиш муддатига қараб узайтириш мумкин.

Фойдали алоқалар

Агар мактабга қабул қилиш борасида муаммолар пайдо бўлса, **Таълим бўйича Комитет ёки Департаментга** мурожаат этиш мумкин:

Москва: <https://www.mos.ru/feedback/reception/>

Москва вилояти: 8 (498) 6021027

Санкт-Петербург: 8 (812) 576-20-19, 8 (812) 576-18-36, 8 (812) 576-18-76, 576-18-74.

Ленинград вилояти: 8 (812) 611-44-90

Бола ҳуқуқи бузилган ҳолатларда, шунингдек **Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга** мурожаат этиш мумкин:

РФ да бола ҳуқуқлари бўйича вакил - deti.gov.ru

Москва: ombudsman.mos.ru, 8 (495) 957-05-85

Москва вилояти: detimo.mosreg.ru, 8 (498) 602-32-07

Санкт-Петербург: spbdeti.org, 8(812) 576-70-00

Ленинград вилояти: 47deti.ru, 8 (812) 400-36-49

ИЖТИМОЙ ТАШКИЛОТЛАР

Санкт-Петербург:

АНО «Дети Петербурга»: detipeterburga.ru, +7 911 773-77-87 (рус тилини ўрганиш, мактабга жойлаштириш ва болаларнинг мослашуви)

БФ «ПСП-фонд»: psp-f.org, 8 (812) 337-57-85, 8 (953) 141-31-09 (муҳожирларга бепул ҳуқуқий ёрдам)

Москва ва Москва вилояти:

«Такие же дети»: kidsarekids-center.com (рус тилини ўрганиш, болаларга мослашувга ёрдам)

Комитет «Гражданское содействие»: refugee.ru 8 (495) 681-18-23 (ҳуқуқий ёрдам)

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси

Тошкент шаҳар «Истиқболли Авлод» ижтимоий-ахборот маркази

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Катта Миробод к, 4-проезд, 22-уй
Тел/факс: +998 71 254-12-87

Мунтазам тармоқ: +998 95 143-94-94

Наманган: +99895 301 94 94

Урганч: +99899 509 94 94

Нукус: +99895 605 94 94

Тошкент: +99895 143 94 94

iatashkent2014@gmail.com

Сайт: <http://ia.uz/>

Тожикистон Республикаси

«Центр по правам человека» Ижтимоий ташкилоти

Бош идора

734000, Тожикистон Республикаси,

Душанбе ш. Валамадзода к. 8/1, кв.30

+992 37 227-51-87, +992 918 67-96-06

Юрист қабулхонаси: +992 93 300 13 93

Сайт: www.muhojir.info

Viber даги алоқа: muhojir.info

E-mail: hrc.tajikistan@gmail.com

«Ғамхори» Ижтимоий ташкилоти

Тожикистон Республикаси, Хатлон вилояти,

Бохтар (Қўрғонтепа) ш, Космонавтлар к., 42/46.

+992 918 88-61-88

E-mail: bahodur9166@mail.ru

Қирғизистон Республикаси

«Ресурсный центр для пожилых» Ижтимоий ташкилоти

Бишкек: +996 770 89-18-06, kyrgyzstan.rce@gmail.com

ҚРдаги муҳожирлик масалаларига оид маҳаллий ижтимоий кенгашлар (МИК):

1. Иссиқкўл вилояти, Қоракўл ш, Ленин к. 152

+996 778 013216; +996 704 013216

2. Талас вилояти, Талас ш., Бердике Ботир к, 198-уй, 5-х.

+996 556 600 295

3. Жалолобод вилояти, Багиш қ, Гагарин к. 60

+996 552 663122; + 996 772 663122

ОФ «Центр Содействия Международной Зашите»

Қирғизистон Республикаси, Ўш ш, Мичурин к. 9.

+996 3222 44-9-60, +996 3222 44-0-69

center.sip@gmail.com

Сайт: www.csip.kg

Мослашиш ва ҳуқуқий ёрдам борасидаги турли масалалар ва маслаҳатларни, фойдали ахборотни қуйидаги минтақавий ахборот порталида топиш мумкин: migrussia.ru

Медицинская помощь. Образование детей (на узбекском языке)

Буклет разработан БФ «ПСП-фонд»

Авторы-составители: Якимов А.Н., Ефимова О.Б.

Тираж 2000 экз.

Публикация подготовлена в рамках проекта «Развитие сотрудничества некоммерческих организаций России и Средней Азии, направленного на адаптацию и интегрирование мигрантов в правовое и культурное поле Российской Федерации», реализуемого с использованием гранта Президента Российской Федерации на развитие гражданского общества, предоставленного Фондом президентских грантов.



Тиббий ёрдам

Болаларга таълим бериш

Меҳнат муҳожирига ёрдам

2019

ТИББИЙ ЁРДАМ

Чет эллик фуқаролар тиббий суғурта полиси олишлари зарур! Агар Сизда полис бўлмаса – Сизни чегарадан ўтказмасликлари, жаримага тортишлари ёки Россиядан чиқариб юборишлари мумкин!

Тиббий полис икки хил бўлиши мумкин:

- ИТС(ДМС) - (ихтиёрий тиббий суғурта)
- МТС (ОМС) (мажбурий тиббий суғурта, бепул расмийлаштирилади)

ИТС

ИТС полиси суғурта ширкатлари идораларида, шунингдек, «Почты России» бўлимларида расмийлаштирилади.

ИТС полиси нархи сиз унга кўра олишингиз мумкин бўлган тиббий хизматлар сонига боғлиқ. Бу масалани полис сотиб олиш пайтидаёқ аниқлаш зарур.

Агар аёл ҳомиладорлик ва кўз ёриш пайтида режали тиббий ёрдам олишни истаса, у бу ҳақда ИТС полиси расмийлаштирилаётган пайтда албатта айтиши зарур, чунки бунда суғуртанинг алоҳида дастури зарур бўлади.

ИТС полисини расмийлаштириш учун зарур бўлади:

- паспорт, рус тилига қилинган, нотариал жиҳатдан тасдиқланган таржима билан;
- муҳожирлик картаси;
- регистрация (муҳожирлик қайдига қўйилганлик ҳақидаги билдирув).

ИТС полисини Сизга иш берувчи расмийлаштириб бериши мумкин (лекин мажбур эмас!).

МТС

Сиз МТСни расмийлаштиришингиз мумкин, агар Сиз:

- ЕОИХ кирувчи давлат фуқароси бўлсангиз ва меҳнат шартномасига кўра ишлаётган бўлсангиз.

Ё Сизда бўлса:

- вақтинча яшашга ижозат (РВП);
- вақтинча яшаш ҳуқуқи (ВНЖ);
- вақтинча бошпана бериш ҳақидаги гувоҳнома;
- қочкин гувоҳномаси.

МТС полисини расмийлаштириш учун қайддан ўтилган жойдаги поликлиникага қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхасини олиб бориш зарур:

- паспорт (асли ва нотариал жиҳатдан тасдиқланган рус тилига таржимаси);
- СНИЛС (шахсий ҳисобнинг суғурта рақами, уни Пенсия жамғармасида ёки Кўп вазифа-ли марказлар (МФЦ))да олиш мумкин;
- меҳнат шартномаси;

- муҳожирлик картаси;
- регистрация (муҳожирлик қайдига қўйилганлик ҳақидаги билдирув).

ЕОИХ фуқаросининг ўз шахсий меҳнат шартномалари-га эга бўлмаган оила аъзоларининг МТС полиси олиш ҳуқуқлари йўқ ва улар ўзлари учун МТС полиси расмийлаштиришлари зарур.

ТИББИЙ ЁРДАМ

Россияда тез тиббий ёрдам БЕПУЛ кўрсатилади! Ҳатто Сизда тиббий полис ва ҳужжатларингиз бўлмаса ҳам, Сизга тез тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт!

**Тез ёрдам теле-фонлари –
103 ёки 112, мобил телефондан (ҳатто телефонда
пул бўлмаса ва тўсиб қўйилган бўлса-да).**

Тез ёрдамни инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирадиган ҳолатларда чақириш керак.

Жумладан:

- нафас олинмаётганда;
- ҳушдан кетганда;
- бахтсиз ҳодисаларда (йўл-транспорт ҳодисаси, баландликдан йиқилиш ва ҳоказо.);
- ҳомиладорларда тўлғоқ тутганда, қорин оғриганда ва бошқа мураккаб ҳолатларда;
- қаттиқ жароҳатларда;
- заҳарланишларда;
- қориндаги ўткир ва тўхтовсиз оғриқда;
- юқори бадан ҳароратида;
- қон кетганда.

Тез ёрдам билан олиб кетилган кишилар ҳақида маълумот олиш учун Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бахтсиз ҳодисаларни қайд қилиш бюросига мурожаат этинг - 8 (812) 573-66-66, 8 (812) 573-66-63; Москва ва Москва вилояти - 8(495) 688-22-52.

Агар тез ёрдам чақириқ бўйича келмаса ё Сизни даволашни рад этишса, тез ёрдам ишлари бўйича шикоятлар телефонига кўнғироқ қилинг: 8 (812) 571-45-04 (Санкт-Петербург); 8 (812) 456-11-33 (Ленинград вилояти); 8 (495) 777-77-77, 8 (499) 251-83-00 (Москва); 8 (495) 562-35-35 (Москва вилояти).

Фойдали алоқалар

Тиббий ёрдам кўрсатиш муаммолари ҳолатларида мурожаат этиш мумкин:

- Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мунтазам тармоғига: 8 800 200-03-89
- Санкт-Петербург Соғлиқни сақлаш комитетига: 8 (812) 595-89-79, 8 (812) 571-09-06

- Ленинград вилояти Соғлиқни сақлаш комитетига: 8 (812) 611-45-45
- Москва Соғлиқни сақлаш департаментига: 8 (495) 777-77-77
- Москва вилояти Соғлиқни сақлаш вазирлигига: 8 (498) 602-03-01

РОССИЯДА ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАР БОЛАЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ

Чет эллик фуқаролар болалари болалар боғчалари ва мактабга бепул бориш ҳуқуқига эга.

Мактаб ёшидаги болалар ота-оналари уларни қонун бўйича мактабга беришлари шарт.

Болалар боғчасига ё мактабнинг биринчи синфига жойлаштириш учун қайддан ўтилган ердаги КВМ (МФЦ) – кўп вазифали марказга мурожаат этиш зарур.

Агар болалар боғчасида жой бўлмаса, болани навбатга қўйишади.

Агар ота-оналар мактабга мурожаат этишса ва рад жавоби олишса, ўз районлари-даги район маориф бўлимига (РОНО) мурожаат этишлари керак, у ерда сизга райондаги мактаблардан бирдан жой беришлари шарт.

Ўз районингиздаги маориф бўлими билан алоқа йўлларини интернетдан ёки ижтимоий ташкилотларга мурожаат этиб билиш мумкин.

Айрим ҳолларда мактабга жойлаштириш ҳолатларида бола билан ўқитувчилар суҳбатлашадилар, улар боланинг қайси синфда ўқишини аниқлашади. Агар рус тилини етарли билмаганлиги учун ўқитувчилар болани бир синф пастда ўқишни таклиф этишса, ҳеч кўрқинчли эмас.

Болалар боғчаси ва мактаб учун ҳужжатлар (асли ва нусхалари):

- бола паспорти ва ота-оналардан бирининг паспорти;
- боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;
- боланинг ва ота-оналардан бирининг муҳожирлик картаси;
- болани ва ота-оналардан бирини муҳожирлик қайди (регистрация)га қўйилгани борасидаги билдирув (бола мактаб ё боғчага борадиган районда);
- боланинг тиббий картаси;
- 026 тиббий маълумоти ва эмлашлар ҳақидаги сертификат (болалар тиббиёт клиникаларида пуллик расмийлаштирилади);
- олдинги мактабдан боланинг шахсий иш қоғози (агар у ўқиган бўлса).

Одатда шунингдек ҳужжатларнинг нотариал жиҳатдан тасдиқланган рус тилидаги таржимаси талаб этилади ва баъзан боланинг тиббий полиси талаб этилиши мумкин.